КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АУДИТ РИСКИГА ТАЬСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Муйдинов Эркин Джамалдинович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети докторанти, и.ф.н, доцент
https://doi.org/10.5281/zenodo.14191968

Аннотация. *Мазкур мақолада кичик ва ўрта бизнес корхоналари хорижий давлатларда ва Ўзбекистон республикасида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг обьекти сифатида кўриб чиқилади, уларнинг хозирги кундаги ҳолати ва ривожланиш йўналишлари баён қилинади.*

Таянч сўзлар: *Кичик ва ўрта бизнес, таснифлаш меьзонлари, тадбиркорлик субьекти, соддалаштирилган бухгалтерия ҳисоби, ҳисобварақлар режаси, ҳисоб сиёсати, аудит риски.*

Кириш

Аудитнинг ривожланиши аудит фаолиятини бирлаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Натижада, аввал миллий доирада, кейин эса халқаро миқёсда аудит стандартлари ишлаб чиқила бошланди. Шунингдек, 1005-сонли “Кичик корхоналар аудитининг хусусиятлари” мавжуд бўлиб, унда кичик корхоналарнинг асосий хусусиятлари, АХСни қўллаш бўйича кўрсатмалар, аудитор кичик корхоналарга бухгалтерия хизматларини кўрсатадиган ҳолларда аудит ўтказиш бўйича тавсиялар муҳокама қилинади.

Бугунги кунда аудит кичик ва ўрта бизнес фаолиятини бошқариш усулининг ажралмас қисмидир. Ушбу турдаги бизнес ташкилотларида амалга оширил-ган операциялар аудитини ўтказиш уларнинг бухгалтерия тизимидаги камчиликларни бартараф этишга ва тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам беради. Шу муносабат билан кичик бизнес субъектларининг аудитини ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ривожлани-шининг истиқболли йўналиши ҳисобланади.

Тадқиқод усуллари

Мақолани ёзиш жараёнида илмий тадқиқоднинг кузатиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, тўпланган маьлумотларни қиёслаш ва таҳлил усулларидан фойдаланиш орқали ўрганилаётган масалага муаллиф томонидан муносабат билдирилди.

Тадқиқод натижалари ва уларнинг муҳокамаси

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон республикаси қонунига кўра кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобот йили якунларига кўра қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берса мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиладилар: активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ, маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотишдан олинган тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз минг баравари миқдоридан ортиқ, ходимларининг ўртача йиллик сони юз нафардан ортиқ бўлса (1). Агар КЎК

фаолияти юқоридаги талабларга мос тушмаса мажбурий аудиторлик текширувига тортилмайди.

Шундай экан, унда КЎК га аудит нима учун керак деган савол юзага келади.

Авваламбор аудиторлик ташкилотлари КЎК учун қуйидаги хизматлар-ни кўрсатиб келмоқда:

■ бухгалтерия ҳисобини тиклаш, йўлга қўйиш, юритиш;

■ бухгалтерия ҳисобини компьютер дастурларига ўтказиш ва бу борада сервис ҳизмати кўрсатиш;

■ ҳужжатлар айланиши тартибини ишлаб чиқиш;

■ ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш;

■ солиқ тизимини танлаш бўйича кўрсатмалар бериш;

■ бизнес режа ёки инвестиция лойихаларини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатиш;

■ ёлланма ходимлар иши сифатини баҳолашда кўмаклашиш

■ корхона молиявий ҳолати ва уни инқирозга учраш хавфи таҳлилини амалга ошириш вхк

Кейин аудиторлик ташкилоти КЎК га хамкорларни жалб қилиш, ташқи бозорларга чиқиш, тендерларда иштирок этиш, йирик компаниялар билан иқтисодий алоқаларга киришиш борасида ва мулк эгаларини бошқа эҳтиёжларига қараб хизматлар кўрсатади

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини аудиторлик текшируви-дан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарорининг 5-банди “б” кичик бандига қўра 2020 йилнинг 01 январидан аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан тасдиқланган аудиторлик фаолияти соҳасидаги ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширилади. Яьни Ўзбекистон Республикасида КЎБ корхоналарини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича махсус стандартлар мавжуд эмас.

Халқаро амалиётда “Кичик корхоналар аудитининг хусусиятлари” деб номланган 1005-сонли Халқаро аудит амалиёти (ПМАП) махсус Низоми мавжуд. Унда кичик бизнеснинг хусусиятлари ва уларнинг халқаро аудит стандартларини қўллашга қанчалик таъсир этиши батафсил ёритилган.

Низом қуйидагиларни ўз ичига олади:

• “кичик корхона” тоифаси аниқланадиган асосий мезонлар;

• халқаро стандартларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар;

• аудитор корхонага бухгалтерия хизматларини кўрсатган ҳолларда аудит ўтказиш бўйича тавсиялар (2).

Кичик корхоналар учун махсус ХАС мавжуд бўлмаган тақдирда, бундай ташкилотларни текширишнинг ўзига хос хусусиятларини халқаро стандарт-ларнинг алоҳида бўлимларида топиш мумкин. Масалан:

■ АХС 220, «Молиявий ҳисоботлар аудити сифатини назорат қилиш»

■ АХС 230, «Аудитни ҳужжатлаштириш»

■ АХС 240, «Молиявий ҳисоботлар аудитидаги фирибгарликка нисбатан аудитор мажбуриятлари»

■ АХС 300, «Молиявий ҳисоботлар аудитини режалаштириш»

■ АХС 315, «Муҳим бузиб кўрсатишлар рискларини тадбиркорлик субъект ва унинг муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш »

■ АХС 330, «Баҳоланган рискларга жавобан аудиторнинг ҳаракатлари»

■ АХС 500, «Аудиторлик далиллари»

■ АХС 700, «Молиявий ҳисоботлар тўғрисида фикр ҳосил қилиш ва ҳисобот (хулоса) бериш»

■ АХС 705, «Мустақил аудитор ҳисоботи (хулосаси)да фикрни модификациялаш»

Кичик бизнес субъектларининг аудитини ўтказишда аудитор ички аудит стандартларини тўлиқ қўллаши керак.

Ички аудит стандартларининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) кичик бизнес субъектларининг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимларининг бундай субъектларнинг аудитига таъсир этувчи хусусиятла-рининг тавсифи;

б) кичик корхоналар аудитини режалаштиришда бажарилиши керак бўлган талабларни шакллантириш;

в) кичик тадбиркорлик субъектларини текширишда аудиторлик далилларини олиш тартибининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган.

Қуйида аудиторлик ташкилотини кичик ва ўрта бизнес корхоналарига АХСни қўллаган ҳолда хизмат кўрсатишга тайёргарлик кўриш ва аудиторлик текширувини ўтказиш босқичларини келтирамиз:

■ **Тайёрлов босқичи**

- мижоз бизнеси тармоғига оид меъёрий хужжатларни йиғиш;
- мижоз компания бизнеси хусусиятлари билан танишиш;
- аудиторлик ташкилотини хизмат кўрсатилиши кутилаётган компания-га нисбатан мустақиллигини тасдиқлаш юзасидан тест ўтказиш;
- мижоз билан келишув-хатини имзолаш;
- мижоз билан унга аудиторлик хизмати кўрсатиш бўйича шартнома тузиш.
- аудит хизмати кўрсатиш гурухини шакллантириш ва гурух рахбарини тайинлаш;
- аудит хизмати кўрсатиш гурухи аьзоларини мижоз компанияга нисбатан мустақиллигини тасдиқлаш юзасидан тест ўтказиш ;
- аудиторлик ташкилотидан ўтказилиши кутилаётган аудиторлик текширувида сифат назоратини амалга оширувчи масьул ходимни тайинлаш.

■ **Режалаштириш босқичи**

- аудит стратегиясини ишлаб чиқиш;
- аудит режаси ва дастурини ишлаб чиқиш;
- муҳимлик даражасининг дастлабки чегарасини аниқлаш;
- аудит рискини аниқлаш ва унинг даражасини баҳолаш;
- аудиторлик далилларини йиғиш усулларини белгилаш;
- танлама кузатиш усулидан фойдаланиш имкониятини аниқлаш;
- аудит жараёнига экспертни жалб қилиш заруратини аниқлаш;
- мижоз компания рахбариятига аудит жараёнини бошланиш санаси ва улар томонидан тайёрлаб турилиши лозим бўлган хужжатлар қайд этилган ахборотнома юбориш.

■ **Аудитни ўтказиш босқичи**

- компания фаолиятини узлуксиз давом этишини баҳолаш юзасидан таҳлил ўтказиш;
- ҳисоб сиёсатининг мақсадга мувофиқлигини ўрганиб чиқиш;
- ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш;
- биринчи бор ўтказилаётган аудит текшируви холатида текширувга тортилган молиявий ҳисоботдаги дастлабки қолдиқлар учун томонлар жавобгарлигини аниқлаш;
- ҳисобот даврида боғлиқ томонлар билан амалга оширилган хўжалик муамалалари тўғрисида компания масъул ходимларидан маьлумот олиш ва уларни таҳлил қилиш;
- аудит ўтказиш дастурининг барча йўналишлари бўйича етарли далилларни йиғиш;
- молиявий ҳисобот кўрсаткичларини бузиб кўрсатилишига олиб келувчи моддий хатолар ва қоидабузарликларни аниқлаш;
- аниқланган моддий ҳатолар ва қоидабузарлик ҳолатларига аниқлик киритиш мақсадида эксперт хизматидан ва аввалги аудиторнинг ишчи хужжатларидан хизматидан фойдаланиш;
- муҳимлик ва аудит рискининг режа ва дастурда акс эттирилган дастлабки даражасига тузатиш киритиш заруратини кўриб чиқиш;
- ишчи хужжатларни расмийлаштиришни якунлаш.

■ **Аудитни якунлаш босқичи**

- йиғилган далиллар асосида аудиторлик текширувидан ўтказилган молиявий ҳисоботнинг тўғри тузилганлигига дастлабки баҳо бериш;
- молиявий ҳисоботдаги аниқланган бузиб кўрсатишларга муносабат билдириш;
- ҳисобот санасидан кейин содир бўлган воқеаларни аниқлаш ва уларни молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлигига таьсирини баҳолаш;
- текширилаётган объект раҳбариятига аудит жараёнида молиявий ҳисоботда аниқланган бузиб кўрсатишлар тўғрисида ёзма маълумот тайёрлаш ва уни тақдим этиш;
- аудитор томонидан тақдим қилинган ёзма маьлумотларга компания раҳбариятидан баёнотлар ва тушунтиришлар олиш.
- мавжуд далиллар асосида молиявий ҳисоботнинг ҳаққонийлиги юзасидан якуний хулосага келиш;
- аудитор хулосасини тайёрлаш.

Кичик хўжалик субъектларининг аудитини ўтказишни режалаштириш ва бевосита амалга ошириш жараёнида аудитор қуйидаги мумкин бўлган риск омилларига алоҳида эътибор бериши керак бўлади (1-чизма).

Кичик тадбиркорлик субъектларининг аудитини ўтказишда, худди бошқа субъектларда бўлгани каби, аудитор бу жараёнга маълум даражада профессионал скептицизм билан ёндашади.

Кўп ҳолларда кичик бизнес субъектларининг эгалари - раҳбарлари ўз мажбуриятлари ва аудиторнинг масъулиятини тўлиқ тушунмайдилар. Хусусан, мулкдор-менежерлар молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъул эканлигига рози бўлмаслиги

мумкин, айниқса молиявий ҳисоботни тайёрлаш учинчи шахс томонидан аутсорсинг шартномаси бўйича амалга оширилган бўлса.

1-чизма

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини аудитдан ўтказишда ҳисобга олиниши лозим бўлган рисклар



Манба: Чизма муаллиф томонидан Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган 50 та кичик ва ўрта бизнес корхоналаридаги ҳолат таҳлили асосида ишлаб чиқилган.

Агар мулкдор корхона фаолиятига таъсир этса, у ички назорат тизими ва бухгалтерия тизимига ҳам фойдали, ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бир томондан, жараённи бошқарадиган менежер ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ишончли ва шаффоф бўлишини таъминлашга ёрдам беради. Бошқа томондан, менежернинг таъсири бухгалтерия ҳисоби ҳисоботидаги бузилишларга олиб келиши мумкин. Аудиторлик текшируви пайтида, агар бунинг аксини тасдиқловчи аниқ далиллар бўлмаса, аудитор ички назоратнинг паст баҳосига таяниши яхшироқдир.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида раҳбарият билан аудитор ўртасида кўп ҳолатларда ҳисобот йилида компанияда ўзаро алоқадор томонлар билан амалга оширилган алоқаларни очиб бериш масаласи юзасидан тортишувлар юзага келади. “Боғлиқ томонлар” деб номланган 550-сонли аудитнинг халқаро стандартига кўра модомики боғлиқ томонлар билан хўжалик муомалалари кўпинча бир шахс томонидан бошқариладиган корхоналарда амалга оширилар экан, алоқадор шахслар билан тузилган битимларни текширишга алоҳида эътибор қаратиш ва моҳиятан аудиторлик тартиб-тамойилларидан фойдаланиш зарур бўлади.

Баъзида аудитор корхона фаолиятидаги камчиликлар, аудит ўтказишда юзага келган чекловлар туфайли молиявий ҳисоботлар бўйича фикрни шакллантириш учун далилларни ололмаслиги мумкин. Бундай шароитда омилларни моддийлик даражасидан келиб чиқиб, “Аудитор хулосасида модификация қилинган фикр” номли 705-сонли халқаро аудит стандартига мувофиқ аудитор шартли равишда ижобий фикр билдиришга, салбий фикр билдиришга, ёки аудитни давом эттиришдан воз кечишга, фикр билдиришни рад этишга ҳақли.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, аудитор кичик ва ўрта бизнес корхоналарига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш учун уларнинг хусусиятларини ҳамда аудит рискига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон республикаси қонуни.
Тошкент ш., 2021 йил 25 февраль,ЎРҚ-677-сон
2. “Кичик корхоналар аудитининг хусусиятлари” деб номланган 1005-сонли Халқаро аудит амалиёти (ПМАП) махсус Низоми. https://online.zakon.kz/
Document/?doc_id=30206893